

# КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МОЛИЯВИЙ СЕКТОРНИ СОЛИҚЛАР ВОСИТАСИДА ТАРТИБГА СОЛИШ

Абдуллаев Зафаржон Алижонович  
Тошкент технология, менежмент  
ва коммуникациялар (ТМС) институти,  
“Иқтисодиёт” кафедраси профессори, DSc.  
*zafarjon1808@mail.ru.* тел.+998(97)726-05-75

**Аннотация:** Мазкур илмий тезисда молиявий секторни солиқлар воситасида тартибга солиш масаласи қўриб чиқилган. Амалдаги корпоратив фойда солиги тизими қарзли ва улушли молиялаштириш, баланс ва балансдан ташқари молиялаштириш, нархлар ва инвестициялар тақсимланиши ўртасидаги номутаносибликларга олиб келади. Амалга оширилган таҳлиллар асосида хulosалар шакллантирилган.

**калит сўзлар:** капитал, молиявий сектор, молиявий воситачилик, банк, солиқ солиш, корпоратив солиқ.

Капиталга солиқ солиш хусусидаги илмий мунозаралар ечимида, одатда, “Оптимал солиққа тортиш ва ижтимоий ишлаб чиқариш I: Ишлаб чиқариш самарадорлиги” (“Optimal Taxation and Public Production I: Production Efficiency”) теоремасига асосланади<sup>1</sup>. Мазкур теорема асосида солиқ солища “солиқлар оралиқ трансакциялардан эмас, балки якуний истеъмолдан олиниши керак”, деган тамойил ётади. Хусусан, Boardway ва Keen фикрларига кўра, мазкур теореманинг молиявий хизматларга қўлланилишидан қўйидагилар келиб чиқади: истеъмолчилар томонидан сотиб олинадиган молиявий хизматлар нисбатан паст ставкада солиққа тортилиши; корхоналар томонидан сотиб олинадиган молиявий хизматларга эса солиқ солинмаслиги лозим<sup>2</sup>. Petrucci фикрича, мукаммал капитал ҳаракатига эга бўлган кичик очик иқтисодиётда капитални солиққа тортиш, манбаларга асосланган ҳолда, капиталга ноль ставкадаги солиқ солинади, агарда солиқ солиш резидентликка асосланган бўлса, бойликдан олинадиган даромад субсидияланиши лозим<sup>3</sup>.

Капиталдан олинадиган даромад оқими солиққа тортиш имконияти бўлиши мумкин бўлган меҳнат даромадига ўхшаш база эмас, чунки солиқ самарадорлигининг қиймати фақат келажакдаги истеъмол нархларига қараб аниқланади. Молия сектори асосан капиталдан даромадлар олишнинг бевосита манбаси ҳисобланади ва молия сектори томонидан турли хилдаги молиявий хизматларни тақдим этиш орқали улар даромад ишлаб топадилар. Шундай қилиб, капиталдан олинадиган даромадларнинг солиқ режими ва молиявий хизматлар молиявий воситачилик содир бўладиган муҳитни

<sup>1</sup>Diamond P.A. and Mirrlees J.A. (1971). "Optimal Taxation and Public Production:I-Production Efficiency"and "Optimal Taxation and Public Production II:Tax Rules",American Economic Review,61, 8-27 and 261-78.

<sup>2</sup>Boardway R. and Keen M. (2003). Theoretical Perspectives on the Taxation of Capital Income and Financial Services. Taxation of Financial Intermediation: Theory and Practice for Emerging Economies. 443p.

<sup>3</sup>Petrucci A. (2007). "Optimal Taxation of Capital Income in Models with Endogenous Fertility," Development Working Papers 228, Available at SSRN: <https://ssrn.com/abstract=1002619> or <http://dx.doi.org/10.2139/ssrn>.

шакллантиради. Кўриниб турибидики, капиталдан олинган даромадни солиқقا тортиш даражаси ва тартиби молиявий воситачиликнинг масштаби ва шаклларига, шунингдек, молиявий хизматлар режими бундай хизматларни тақдим этишга бевосита таъсир этади.

Капиталдан олинадиган даромад ва молиявий хизматларга оптимал солиқ солиш (эҳтимол, камроқ, лекин ҳали ҳам ортиб бораётган даражада) кўплаб мамлакатларда доимий сиёсий муаммолар ҳисобланади, бироқ назарий таҳлилда кўпинча оптимал сиёсатни ишлаб чиқишидан кўра, солиқка тортишнинг ижобий самараларига кўпроқ эътибор қаратилади. Капиталдан даромаднинг асосий манбаси қандай бўлишидан қатъи назар, капиталдан даромад молиявий активлар бўйича даромадлилик-банк омонатлари бўйича тўланган фоизларга нисбатан ёки масалан, компания улушига киритилган капитал ўсиши сифатида юзага келади, капиталдан даромадларга солиқ режими-ҳар қандай солиқ тизимининг асосий хусусияти бўлиб, булар молия тизими фаолияти доирасида фискал муҳитни шакллантиришда потенциал асосий ролни ўйнайди. Умуман олганда, капиталдан даромадларга солиқ солищдаги асосий мақсад-истеъмол қилиш ва меҳнат ресурслари таклифини хукуматларнинг даврлар оралиғидаги даромад эҳтиёжларига мувофиқлигини минимал даражада бузилишини таъминлаш.

Молия бозорига солиқ солиш капиталлашувга солиқ билан бевосита боғлиқ бўлиб, бу молиявий активга рента ҳисобланади. Амалдаги корпоратив фойда солиғи тизими қарзли ва улушли молиялаштириш, баланс ва балансдан ташқари молиялаштириш, нархлар ва инвестициялар тақсимланиши ўртасидаги номутаносибликларга олиб келади. Халқаро солиқ ставкаларида фарқ ёрдамида, яъни фойдани юқори солиқ юрисдикциясидан паст солиқ юрисдикцияларига ўтказиш орқали молиявий секторни консолидирлашган солиқ харажатларини камайтиришлари мумкин.

Молиявий сектор ва корпоратив фойдани солиқка тортиш кесишмаси бўйича тадқиқотларда корпоратив фойда солиғининг банклар фаолиятига таъсири таҳлил қилинади, бунинг банкларнинг асосий манфаатдор томонларига (мижозлар, регуляторлар, инвесторлар ва солиқ органларига) таъсир даражаси баҳоланади. Банклар қарор қабул қилиш жараённада корпоратив даромадни солиқка тортишни ҳисобга олиши бежиз эмас. Чунки, далиллар шуни кўрсатадики, корпоратив фойда солиғи банкларнинг ўз солиқ юкининг бир қисмини мижозларга ўтказишни рағбатлантириш орқали қарзли молиялаштиришни ривожлантиради ҳамда мамлакатлардаги солиқ ставкалари фарқидан фойдаланишга ва қутилган фойда харажатлардан юқори бўлса, ташкилий хўжалик шаклини ўзгартиришга ундейди.

Капиталдан даромадга оптимал солиқ солиш тўғрисидаги илмий назарияларга асосланган ҳолда банклар фаолияти молиявий воситачиликдан иборат эканлигидан келиб чиқиб, банк фойдаси солиқка тортилмаслиги керак деган хулоса шаклланиши мумкин. Бироқ, бизнинг фикримизча, жараёнлар иқтисодиётнинг бошқа секторида юз берганда молиявий хизматлар кўрсатишида капиталдан олинадиган даромадлар нисбатан паст ставкада солиқка тортилиши лозим. Хусусан, фойдани мунтазам дивидендлар тўлашга

эмас, ўз капиталининг ўсишига, реал сектор корхоналарини инвестицион кредитлаш ва хориждаги фаолиятини ривожлантиришга сарфлаётган банкларга нисбатан пасайтирилган ставкада фойда солиги солиниши кўрсатиб ўтилган.

Банклар леверажининг фискал қиймати камайганда улар янада кўпроқ ўз капиталига таянади, банклар активлари таркиби кредит томонга ўзгаради ва камроқ рискка боради. Левераж фискал қиймати хусусий капитални субсидиялаш ёки банк мажбуриятларидан хусусий капитални чегирган ҳолда солиқقا тортиш ҳисобига оширилади. Тадқиқотлар натижасида левераж фискал қиймати ошганда, банклар бир вақтнинг ўзида леверажни камайтириш ва нисбатан кўпроқ кредитлар бериши аниқланган. Корпоратив солиқ тизимида қарзли ва улушли молиялаштириш ўртасидаги солиқ дискриминациясини камайтириш молия институтларининг капиталлашуви даражаси ўсишига олиб келади, шу билан бирга, солиқ қалқонлари банк регуляторлари учун муҳим ва инновацион сиёsat инструменти бўлиши мумкин. Корпоратив фойда солиги ставкасининг кўтарилиши банклар молиялаштиришига ва операцион танловига таъсир ўтказади, яъни капиталлашуви юқори бўлган банклар узоқ муддатли нодепозит қарзларини ошириш орқали кенгайтирилган солиқ қалқонидан фойда олишга ҳаракат қилишади, капиталлашуви юқори бўлмаган банклар эса кредитлар беришни камайтиради, чунки юқори солиқ ставкалари молиялаштириш харажатларини ошириши натижасида кредитлар маржаси заарга айланади. Жумладан, хусусий капиталга солиқ имтиёзларининг қўлланилиши ёки бекор қилинишининг таъсири ўрганиб чиқилганда, базис давридаги солиқ имтиёзлари молиявий секторни капиталлашув даражасини оширишга олиб келганилиги ва аксинча, солиқ имтиёзларининг бекор қилиниши хусусий капитал коэффициентига салбий таъсир кўрсатиши аниқланган.

Давлат томонидан солиқларни ундириш ва инвестицион жозибадорликни оширишдаги фаолияти самарадорлиги солиқ тизимини такомиллаштириш билан боғлиқдир. Шунингдек кўпчилик иқтисодчи олимларининг фикрича, тижорат банклари фаолиятини солиқقا тортишни оптималлаштириш жараёнларида нафақат уларнинг иқтисодиёт реал сектор корхоналарининг узоқ муддатли молиялаштиришини рағбатлантириш, балки солиқларни тўлашдан қочиш имкониятларини чеклаш зарурдир.

### **Фойдаланган адабиётлар**

- 1.Diamond P.A. and Mirrlees J.A. (1971). Optimal Taxation and Public Production:I—Production Efficiency and Optimal Taxation and Public Production II:Tax Rules”,American Economic Review,61, 8-27 and 261-78.
- 2.Broadway R. and Keen M. (2003). Theoretical Perspectives on the Taxation of Capital Income and Financial Services. Taxation of Financial Intermediation: Theory and Practice for Emerging Economies. 443p.
3. Petrucci A. (2007). "Optimal Taxation of Capital Income in Models with Endogenous Fertility," Development Working Papers 228, Available at SSRN: <https://ssrn.com/abstract=1002619> or <http://dx.doi.org/10.2139/ssrn.1002619>.